

# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 24 май сешанба № 22 (749)

e-mail: info@press-iq.uz www.minjust.uz

## Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият

унинг тўлақонли таъминланиши жамият тараққиётига хизмат қилади



Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргорлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида тасдиқланган "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" деган гоияи ўзиде мужассам этган ташкилий-омалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари Дастурида бир қатор мутасадди идоралар зиммасига "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзусидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлиги тадбирларини уюштириш вазифаси юклатилган эди. Жорий йилнинг 25 апрелидан 25 май кунигача республикамиз миқдосида ўтказилаётган маъмур тадбирда, жумладан, Олий Мажлис палаталари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режалари амалиётга изчил йўналтирилди. Мухбиримиз бу борада қилинган ишлар хусусида ушбу мутасадди идораларнинг вакиллари мувожабат этди.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**  
Олий Мажлис Сенати  
раисининг ўринбосари:  
— Амалдаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишни тақозо этадиган жараёндир. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ва боқимча-боқимча амалга оширилаётган ишлар қонун ижодкорлари фаолиятида ҳам алоҳида ўрин тутди.

Олий Мажлис Сенати раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан шу йил 21 апрелда тасдиқланган "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзусидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлигини ўтказиш бўйича тадбирлар Режасига асосан ҳуқуққа оид турли мавзуларда жойларда учрашув ва жонли мулоқотлар ташкил этилди. Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Кучли ижтимоий сиёсат — инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омил" мавзусида бир қатор олий таълим даргоҳларида талаба ёшлар ва профессор ўқитувчилар билан самимий тарзда ўтган мулоқотларда ёшлар ҳуқуқий билимларни пухта ўзлаштиришга интилаётгани, бу эса уларда қонунларга ҳурмат ҳиссини ошираётгани намойиш бўлди. Андижон, Самарқанд вилоятларида маҳаллий кенгаш депутатлари, ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, маҳаллалар фаоллари билан олиб борилган тарғибот йиғинишларида эса инсон ҳуқуқларини таъминлашда ижтимоий сиёсатнинг аҳамияти, юртимизда бу борада қилинаётган кенг қўламли ишлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида тушунтиришлар берилди. Юртдошларимизнинг жамиятда барқарорликни, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда ижтимоий сиёсат соҳасидаги изчил фаолиятнинг ўрни ва ижобий самаралари ҳақидаги теран мулоҳазалари борлиги қувонарлиқдир. Шунингдек, бошқа қўмиталаримиз томонидан "Мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг таркибий қисmidир", "Қонунчиликни таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари устуворлиги", "Фермерлар ҳуқуқларининг ҳимояси давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир" каби мавзуларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда ташкил этилган турли тадбирлар, мутахассислар ва аҳоли ўртаси-

даги ўзаро фикр алмашувлар ҳам самарали бўлмоқда. Хусусан, таълим муассасаларидаги мулоқотлар чоғида мутахассислар томонидан мустақил давлатимизда 20 йил ичида қонунчиликни ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш борасида эришилган ютуқлар мазмун-моҳиятини ёшларга тушунириш мақсадига мактаб, академик лицей, олий ва ўрта махсус ўқув юртлиарида дарс соатлари ажратиб тавсиси берилгани эътиборга молик.

Шу билан бирга ҳуқуқий саводхонлик ойлиги доирасида Сенат аъзоларининг матбуот ва ОАВда мунтазам равишда чиқишларига ҳам аҳамият берилаяпти.

**Ғайрат ХИДОЯТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ўринбосари:

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Конституциямиз асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган самарали тизим яратилди ва у аввало, инсон ва фуқаролар манфаатлари учун хизмат қилмоқда.

Шунингдек, умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда миллий ҳуқуқий ҳужжатларга доир тайёрланган тўпламлар, ижтимоий ролик ва тарқатма материаллар таълим-тарбия бериш жараёнида фойдаланишни таъминлаш учун Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирлиқларига тақдим қилинди. Айни пайтда минглаб ёш тингловчилар маъмур ижтимоий ролик билан танишишди. Шунингдек, барча ўқув муассасаларида "Инсон ҳуқуқлари" мавзусида қўшимча машғулотлар ўтказилди.

Адлия органлари ва муассасалари томонидан ҳуқуқий саводхонлик ойлиги давомида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга

доир қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушуниришга оид 952 мартаба тарғибот тадбири олиб борилди. Бунда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ташричан қўлидан самарали фойдаланилди, шу билан бирга рисоалар, савол-жавоб ва шарҳловчи қўлланмалар, мақолалар тўплами ҳам нашр этилди. Мухими, тарғибот тадбирлари кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, барча ёшдаги тингловчилар онгига етиб борадиган, юртдошларимиз дилига кўтаринкилик бағишлайдиган услубда, бир сўз билан айтганда, расмиётчиликдан холи тарзда, самимий сўзлашиш асосида ўтказилмоқда. Адлия органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини уйлантираётган масалаларни ечимини топиш, уларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларида ташкил этилган "Очiq эшиклар кўни" май ойи охирига қадар республикамизнинг барча ҳудудларида ҳам амалга оширилди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Адлия вазирлигининг энг муҳим фаолият йўналишларидан биридир. Шунга мувофиқ жорий йилнинг 25 апрелидан 15 майга қадар "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзусидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлиги доирасида бир қатор давлат идоралари, шунингдек, жамоат ташкилотлари томонидан 4604 та тарғибот тадбирлари ташкил этилганини келтириб ўтиш жоиз.

Бундай амалий сай-ҳаракатлар эса албатта ўз самарасини беради, халқимизнинг ҳуқуқий савияси янада ошишига хизмат қилади.

**Нигматилла Йўлдошев,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурори ўринбосари:

— Миллий қонунчилигимиз юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида тақомиллаштириш бормоқда. Ҳуқуқий меъёрлар эса жамиятда, ҳар бир фуқаро ҳаётида у ёки бу даражада акс этади. Эътиборлиси, у ўзига зарур даражадаги ҳуқуқий билимларни билиш-билмаслигидан қатъий назар, қонун барчага баробар амал қилади.

"Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзусида ўтказилаётган ҳуқуқий саводхонлик ойлиги муносабати билан прокуратура органлари томонидан ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, ўтган 20 кун давомида жами 2.065 та тарғибот, хусусан,

оммавий ахборот воситалари орқали 133 та, оғзаки равишда 1834 та тадбир бўлиб ўтди. Маъмур тадбирларда жами 156.747 нафар тингловчи иштирок этди. 5 турдаги плакатлар тайёрланди.

Белгиланган режанинг 24-бандига мувофиқ ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежларида 862 та тадбир ўтказилди. "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари", "Вояга етмаганларнинг жавобгарликлари", "Менинг ҳуқуқ ва бурчларим", "Сиз қонуни биласизми?", "Конституциямиз — бахтимиз қомуси" мавзуларида давра суҳбатлари, мулоқот кечалари, учрашувлар, туман (шаҳар)лараро викториналар шулар жумласидандир. Ушбу йўналишда бугунги кунга қадар 13.808 та тадбир ташкил этилиб, уларга 1 миллион 76 минг нафар ўқувчи-ёшлар жалб қилинди. Таълим муассасаларида мутахассислар иштирокида 5107 та маъруза ўқилди, 8064 та давра суҳбати ва савол-жавоб кечалари, 425 та семинар, 212 та илмий-амалий конференциялар ташкил этилди.

Тадбирлар режасининг 27-банди ижросини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари томонидан "Маҳалла" жағмармаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 25 апрелидан 14 майга қадар жами 721 та учрашув бўлиб ўтди. Бундай ҳуқуқий мавзудаги йиғинлар барча вилоятларда аҳоли кенг қатламлари билан юзма-юз тарзда уюштирилди.

Бундан ташқари, бу борада Ўзбекистон Транспорт прокуратураси органлари томонидан жойларда 17 та учрашув ташкил қилинган, уларга 150 мингдан ортиқ фуқаролар жалб этилди.

Ушбу учрашувларда "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли" мавзусининг ёритилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маъруза ва тушунтиришларда Конституциямиз, амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ишончли ҳимояси ва қарорларни тўғрисида батафсил маълумотлар берилмоқда.

Мулоқотлар чоғида йиғилганларнинг ўзларини қизиқтирган саволларига малакали жавоблар берилиши таъминланмоқда.

Бу эса, албатта, омма ва ёшлар орасида ҳуқуқий саводхонлик юксалишининг энг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади.

**"Инсон ва қонун" мухбири  
Дилором МАТКАРИМОВА  
тайёрлади.**

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

## Ижтимоий шериклик

ЭЗГУ МАҚСАД, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ЯҚДИЛЛИК

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўша мажлисида баён этган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши лозимлиги алоҳида таъкидланган эди. Бундай қонун, энг аввало, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар соҳаларда давлат идоралари билан бирга фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутди. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти учун кенг имкониятлар яратишнинг муҳим ҳуқуқий базаси юзага келади. Шунингдек, турли ижтимоий масалалар ечимини нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида, шерикчилик асосида ҳал этишга шaroит яратилади.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК — хилма-хил фикрга эга бўлган инсонлар ва турли гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигидир. Маълумки, турли мақсадга, ниятга эга инсонларни бир мақсад йўлида бирлаштириш гоёта мушкул вазифа ҳисобланади. Аммо Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига эришиш учун ана шу гоёлар, мақсад ва ниятлар яқдиллашади.

Ижтимоий шериклик жамиятда сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг ҳамжиҳатлиги, турли миллат, irq ва дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги, илғор гоёларнинг ўзаро уйғунлиги, ҳар бир шахс ўзининг масъулигини сезиши, жамиятда тинч-тотувлик ва барқарорлик асосида шаклланади, ривожланади. Шу орқали жамият аъзоларининг муносиб ҳаёт кечириши учун кенг имкониятлар пайдо бўлади. Содда қилиб айтганда, давлат ва фуқаролик институтлари ягона муаммо ечимида биргаликда ҳаракат қилади. Бу йўналишларни рўйбга чиқаришда нафақат давлат муассасалари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда жамоат бirlашмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаол қатнашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ёшларининг "Қамолот" ижтимоий-ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Нуроний" жағмармалари, "Ижод" фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси сингари 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Булар қаторида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақам ўрин эгаллаганини айтиш жоиз.

Бугун республикамиздаги қарийб ўн мингга яқин маҳаллалар маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, оила ижтимоий институтини мустаҳкамлаш, соғлом, барқамол авлодни вояга етказиш, кам таъминланган оилалар ва фуқароларга ижтимоий, маънавий ёрдам кўрсатиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик сай-ҳаракатларини мувофиқлаштириш каби долзарб масалаларни муваффақиятли ҳал этишдаги вақолатларни самарали бажармоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш мужассам эканлигини ҳисобга олсак, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга хизматлар кўрсатиш, нафақа ва моддий ёрдамларни белгилашда маҳаллаларнинг ўрни ортиб бормоқда.

Хусусан, кам даромадли оилалар, беморлар, ногиронлар, қариялар, етим ва қаровсиз болаларга маҳалла орқали ёрдам кўрсатишда адолат тамойилига амал қилинади. Бу ҳол аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги давлат вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши имконини бермоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистонда маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш ижтимоий қўмақлашнинг энг содда, аммо самарали ва очiq воситасидир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ижтимоий шерикчиликнинг амалий асослари, ҳаётий мисоллари борлигидан далолатдир.

Ижтимоий ҳамкорлик аниқ муаммони биргаликда ҳис этган ва уни ҳал этишга қиршиган томонларнинг тенг ҳуқуқлилика асосланган, узoқ муددатли ва ўзаро манфалик муносабатларидир. Шу боисдан у профессионализмни, юксак масъулиятни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да илгартирилган қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

**Акбар НАБИРАЕВ,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими

## Тадбир

# Одам савдосига қарши курашиш: амалиёт ва муаммолар

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида "Одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар сарҳисоби, бу йўналишда ОАВнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш: амалиёт ва муаммолар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Бош прокуратура, Давлат божхона қўмитаси масъуллари ҳамда давлат ва нодавлат ОАВ вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, одам савдосига қарши курашишнинг қонуний тартибга солиниши шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда самарали восита ҳисобланади. Мамлакатимизда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилиб, одамларнинг яширин тартиқига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган.

2008 йил 17 апрелда кучга кирган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун бу борадаги жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз. Ушбу Қонунда бир қатор хорижий давлатларнинг тажрибалари эътиборга олинганлиги Қонуннинг янада мукамаллигини таъминлашга хизмат қилди.

# Одам савдосига қарши курашиш: амалиёт ва муаммолар

(Давами. Боши биринчи бетда)

Таъқидланганидек, одам савдосига қарши курашиш бўйича Адлия вазирлигининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, тарғиботнинг барча турларидан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Одам савдоси, унинг салбий оқибатларини акс эттирувчи плакат ва буклетлар тайёрланиб, кенг жамоатчиликга етказилаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг чет элга ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чиқиши юзасидан масъалат ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Худудий адлия идоралари томонидан ишлаш, даволаниш, дам олиш, тижорат ва бошқа мақсадларда чет мамлакатларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёзма ёки оғзаки ҳуқуқий тушунтириш ва ёрдам кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг, Хотин-қизлар кўмитасининг, "Ўзбектуризм" Миллий компаниясининг худудий идоралари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Адлия вазирлиги  
Ахборот хизмати

"КИЧИК БИЗНЕС ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан Президентимиз томонидан эълон қилинган "Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизimini такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига бinoан янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўyxатига олинган пайтдан бошлаб, дастлабки 3 йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайд.

## МММда Текширишлар режадан чиқарилди



БУНДАН ТАШҚАРИ, 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш сўраётларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятида текшириш ўтказиш таъқилланди. Фармоннинг ушбу бандига бinoан 627 та кичик бизнес субъектида ўтказилди. Бундан ташқари 2011 йил режа-жадвалидан чиқарилди. Натигада Дастурда белгиланган тадбирлар ижроси бўйича жорий йилнинг апрель-декабрь ойларида солиқ идоралари томонидан текширилиши мўлжалланган 3780 та кичик бизнес субъектидан 798 таси ёки 21 фоиз режадан чиқарилди.

Юртимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўyxатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан тадбиркорлик субъектларига қўшимча енгилликлар яратилди.

Қарорга бinoан 1 июндан бошлаб пластмасса, лак-бўёқ машичи-кимё, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш, юк ва енгил автомобиллар ҳамда автобусларни таъмирлаш каби жами 44 та фаолият тури бўйича кичик корхоналарда ўртача илмлик ходимлар сонининг амалдаги 21 тадан 50 тагача чегаравий микдори 21 тадан 100 тагача қўлайтирилди.

Давлатимиз томонидан яратилган ушбу қўлайликларга ҳамроҳан тарзда Давлат солиқ қўмитаси тизимида ҳам уларга енгиллик яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўзаро сифатли электрон ахборот алмашинуви жорий этиш, давлат солиқ хизмати органларининг самарадорлигини оширишга қаратилган ўзига яқин дастурий маҳсулотлар амалиётта таъқиқ этилди ҳамда солиқ тўловчиларга ўндан ортук интерактив, яъни қўрсиз, масофадан хизматлар кўрсатилад.

Бу борада олиб борилган ишлар ҳуқуқимиз то-

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг имконият яратилмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, оилавий тадбиркорлик тўғрисида маълумот берсангиз.

Н.СОБИРОВ,  
Тошкент вилояти

### Ҳуқуқий сабоқ

## Оилавий тадбиркорлик



— Тадбиркорлик фаолияти "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига асосан тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, тавakkал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият ҳисобланади. Уни юридик ва жисмоний шахслар амалга ошириши мумкин.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини қуйидаги эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизда улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик; оддий ширкат; юридик шахс ташкил

элмаган ҳолда деҳқон ҳўжалиги шаклларида амалга оширишлари мумкин.

Эр-хотинга умумий биргаликдаги мол-мулк негизда тегишли бўлган мол-мулк негизда тадбиркорлик амалга ошириладиганида, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрининг ёки хотиннинг розилиги

билан улардан бири иштирок этади, бу розилик яқка тартибдаги тадбиркор рўyxатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга ошириладиганида, уй-

жой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариял тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади.

Жисмоний шахслар фақат яқка тартибдаги тадбиркорлар тариксида давлат рўyxатидан ўтганларидан кейин улар биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкин.

Деҳқон ҳўжалиги ва оддий ширкатини тузиш, уларнинг фаолият юритиши ва фаолиятини тугатиш билан боғлиқ, муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Оила эр-хотин, уларнинг бола-чақалари, энг яқин туғишганларидан иборат кишилар гуруҳи, яъни хонадон ҳисобланади. Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар. Шу сабабли ҳам оилавий тадбиркорлик муҳим аҳамиятга эга.

Оилавий тадбиркорлик оилага тегишли умумий мулк асосида амалга оширилади. Оила кодексига киририлган Никоҳ шартномаси тушунчаси оилавий тадбиркорликни низоларсиз, мурося йўли билан самарали амалга оширишга тамал тоши қўйди.

**Ўқубон БАКИЕВ,**  
Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

МАЪЛУМКИ, ҳар қандай инсон оила боғида ўсиб-ўлғаяди, тарбия топади. Унинг келажақда нечоғли камил ёки ноқамил инсон бўлиб вояга етиши эса ҳеч шубҳасиз оилада берилган тарбияга боғлиқ. Оиланинг жамият тарраққийтидаги ўрни ва аҳамияти Бор қонунимизнинг 63-моддасидаги "Оила жамиятнинг асосий бўлинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларининг ихтиёр розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиб" деган сўзларда ўз аксини топган. Дарҳақиқат, оила жамиятнинг таянчи, никоҳ эса унинг пойдевори саналади.

## Мустаҳкам қўрғон

## Маънавий ҳаёт ва келажақ таянчи

МОДОМИКИ, гап оила ҳақида борар экан, истиқлолнинг ўтган йиллари мобайнида оилалар мустаҳкамлигини таъминловчи Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларнинг тибиий қўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2009 йил 1 июлда имзолаган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларини янада қучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинганлигини тилга олиш жўз. Мазкур ҳужжатларнинг мақсади оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш орқали жамият тарраққийтига эришишга қаратилган.

Масалан, никоҳланувчи шахсларнинг тибиий қўриқдан ўтказилиши соғлом онадан соғлом бола туғилиб, оила мустаҳкамлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо...

Аммо кундалик ҳаётимизда қонуний никоҳнинг аҳамиятини тўла хис қилмаётган ёшлар, ота-оналар ҳам учраб турибдики, албатта, улар вақт ўтиши билан бу хатоларнинг жабрини торттишмоқда. Келинг, бир ҳаётнинг воқеага эътибор қаратайлик. Туғимизнинг Чек-Жалаер қишлоғида яшовчи фуқаролар Ботиржон Маликов ва Нозима Рафиқова (исм-шарифлари ўзгартирилган) 2010 йилнинг 17 декабрида никоҳдан ўтиш учун ариза беришди. Икки ёшнинг никоҳи 2011 йилнинг 18 январида қайд этилиши белгиланди. Лекин кудалар бунга қаноат қилмай, 7 январь кунини тўғни ўтказишган. Уларнинг қонуний никоҳдан ўтган-ўтмаганлиқларини шуриштирмаган қишлоқ имоми эса шаръий никоҳ ўқиган. Бироқ орадан 2 ой ўтгач, келинини ёқтириши қолган қайнона уни отасиникига қўнатиб юборди.

Айни пайтда келин хомилдор. Қуёв эса қонуний никоҳдан ўтиши хохламаяпти. Бечора келинининг дарди ичида. Агар унинг ота-онаси қуёв томонини қўндириб, яна бироз сабр қилганларида эди, бугун боши берк қўчага кириб қолмаган бўлардилар.

Қонуний никоҳни қайд этишдан олдин бир ойлик муддатнинг берилишида ҳам ҳикмат кўп. Бу муддат ичида икки ёшнинг соғлиғида нуқсонлар ёки никоҳ тузишга монелик қиладиган бошқа ҳолатлар аниқланиши мумкин. Бу эса тўйдан кейинги, лекин умуман келажақдаги кўнгилсизликларнинг олдини олади.

Энг асосийси, Конституциянинг мазмун-моҳиятини, оиланинг нақадар муқаддас гўша эканлигини бу борада қабул қилинган қонун, қарор ва бошқа меъриий ҳужжатлар мисолида ёшларга, ота-оналарга, халқимизга тушунтириб бериш биз ҳуқуқшуносларнинг зиммасига катта масъулият оқлайди. Шу боис ўтган 2010 йилда туғимиздаги умумтаълим мактаблари, касб-ҳўнар коллежлари ва қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида давра сўбатлари, баҳс-мунозара ва семинар тренинглари каби 139 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Шунингдек, "Еш оила қурувчилар мактаби" ва "Оила дорифунуни" ўқув-машғулотларида касб-ҳўнар коллежларида таҳсил олаётган ёшлар ҳамда никоҳга кириш учун ариза берган ёш оила қурувчилар иштирок этишди.

**Муборак КОМИЛЖОНОВА,**  
Риштон тумани  
ФХДБ бўлими муҳими

### Прокуратура кўмаги

## Қонундан қўрқиб эмас

Қонунни тушуниб яшаш лозим

ЮРТИМИЗДА тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Аммо баъзан билиб-билмай тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик ҳолатлари кўзатилади.

— МЕН, Учтепа туманида амалдаги қонун талабларини тушуномасдан, давлат рўyxатидан ўтмасдан тадбиркорлик ишига киришдим, — дейди С.Муродов (исми ўзгартирилган) 6 нафар фуқарони ёллаб, 2010 йилнинг март ойидан бошлаб "Мебель" маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғуллиниб келаётган эдим.

Шу йилнинг 8 апрель кунини Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛКҚ Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ноқонуний фаолият юритилган яширин цехимиз фож ада.

2010 йилнинг март ойидан 2011 йилнинг март ойига қадар қорхонада ноқонуний равишда мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғуллиниб, 11 миллион 700 миғ сўм даромад кўрган эдик. Ушбу даромаддан 2 миллион 79 миғ 379 сўм даромад солигини ҳамда электр энергиясини фойдаланганимиз учун 2 миллион 88 миғ 328 сўмлик электр тўловларини тўлаш кераклигини унутганидик.

Елиғлик қозон ёлиғлигича қолади, деб ўйлагандик. Бироқ... Кеч бўлса-да, бу хаттироқаракатларимизнинг нотўғри эканлигини англадик, прокуратура органлари томонидан суриштирув жараёнида менга берилган тушунтиришлардан кейин Шайхонтоҳур тумани ДСИга солиқ тўловларини, электр энергиясини юзага келган қарзларни тўлиқ тўлаб давлатга етказилган зарарларни қопладик.

Шундан кейин прокуратура ва департамент ходимлари томонидан менга берилган амалий ёрдам натижасида "Омон баракка мебел" МЧЖ ташкил қилиб, давлат идораларидан тегишли тартибда рўyxатдан ўтказдим. Мебель ишлаб чиқаришга тегишли сифат сертификатини олдим ва фаолиятимизни ташкил этидик. Бугунги кунда қорхонамизда 6 нафар фуқарога янги иш ўринлари яратилди. Ишчиларни ишлаб чиқаришдан тўшаётган даромадимиз ҳисобидан ойлик маош билан таъминлаш чорасини кўрмоқдамиз.

Қилган ҳаракатларимизда жиноят аломатларини мавжуд бўлса-да, чин қўнғилдан пушаймонлигим, зарарларни тўлиқ қоплаганим, биринчи марта ба тушунмовчилик оқибатида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этганим учун жиноят жавобгарликка тортилмасдан менга нисбатан Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Жиноят процессуал кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатиш рад этилди.

Мен яна бир бор қонундан қўрқиб яшашимиз керак эмас, балки Конституцияни, қонунларни хурмат қилиш, унга бўйсунуш, жаознинг муқаррарлигини англашимиз кераклигини тушунадим. Қонуний фаолият юритилган тадбиркор қонун ҳимоясида экан.

Албатта, бундай мисоллар тадбиркорлик билан шуғуллиниш истағидаги кишининг қонун устуворлигига бўлган ишончини ҳам оширади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноят даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисидаги Қарорига белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида бошқарма ва туман бўлимларидаги мавжуд "Ишонч телефонлари".

№	Бошқарма ва туман бўлими	"Ишонч телефонлари"
1	Бошқарма навбатчилик қисми	241-92-05
2	Бектемир тумани бўлими	295-18-90
3	Мирзо Улуғбек тумани бўлими	237-44-81
4	Миробод тумани бўлими	215-67-07
5	Олмазор тумани бўлими	228-01-00
6	Сирғали тумани бўлими	258-75-71
7	Учтепа тумани бўлими	271-45-18
8	Чилонзор тумани бўлими	271-12-56
9	Шайхонтоҳур тумани бўлими	249-61-14
10	Йулусобод тумани бўлими	747-13-31
11	Яққасарой тумани бўлими	250-13-66
12	Ҳамза тумани бўлими	289-59-88

**Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛКҚ Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси матбуот гуруҳи томонидан тайёрланди**

## Табиат ва биз

## Оламни асрайлик

Яшил дунё ва унинг ҳуқуқий муҳофазаси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "Ўзбекистон XXI аср бўсарасида: ҳафсиёлликка таҳдид, барқорорлик шароити ва тарраққий кафолатлари" асарид "Асрларга тўташ келган паллада бутун инсоният, шу жумладан, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш, ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир" деб бежиз айтмаган.

АФСҮС билан қайд этиш лозимки, инсоният тараққий тоғгани сари, унинг яшashi учун муҳим манба бўлган ўсимлик дунёси тобора кашшоқлашиб бормоқда. Маълумотларга қўра, охириги 200 йил мобайнида ўсимлик дунёси ролпа-роса икки баробарга қисқарди. Ундан фойдаланувчи инсонлар сони бир неча 10 баробарга қўпайди ва ҳозирда 6 миллиард кишидан ортук кетди. Хозирги кунга келиб, ер қуррасида учрайдиган 600.000 турдан ортук ёввойи ўсимлик турларидан бизнинг Ўзбекистон заминиде 4,5 мингга яқин тури учрайди. "Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби"дан олинган маълумотларга қўра, кейинги 14 йилда 138 турдаги ёввойи ўсимликлар ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар қаторидан жой олди. Албатта, "яшил дунё" оламнинг тобора камбағаллашиб бориши, ўз навбатида ер юзиде экологик вазият-

нинг бузилишига олиб келадики, бугунги кунда хар биримиз бунинг ҳаётвий мисолига ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Юқорида келтирилган салбий жараёналарга мисоллар ер юзидеги барча инсонлар, айланимизда, давлатларини "яшил дунё" олдида масъулиятни оширишига ундайди. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, ўз олдида "яшил дунё"нинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш кафолати сифатида бир қатор қонунлар қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлашнинг муҳим масала, деб билди. Агар тарихга назар соладиган бўлсак, ўсимлик дунёсини муҳофазалаш, унга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва табиатнинг бу илохий неъматидан оқилона фойдаланиш каби муносабатлар жуда қадим замонларга бориб тақалади. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто" бу борадаги илк



ни ўрнатувчи меъриий ҳужжатлар қабул қилинган.

Булар жумласига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Урмон тўғрисида"ги, "Мулкчилик тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Жиноят, Маъмурий жавобгарлик, Фуқаролик кодексларини кириштиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўсимлик дунёсига нисбатан мулкчиликнинг ҳуқуқий ҳолати ўрнатилган.

Муҳофазага йўналтирилган қонун ҳужжатларининг асосий мақсади, биринчидан, ўсимлик дунёсига оид қонун талаблари асосида ўсимлик дунёсидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний

шахслар фаолиятини тартибга солиш, иккинчидан, ўсимлик дунёсига оид ўрнатилган ҳуқуқий тартиботни, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликларидан муҳофаза қилиш, унинг чиқан, ўсимлик дунёсидан фойдаланаётган субъектларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш орқали ижтимоий адолатни таъминлашдан иборатдир.

Фан-техника тарраққийти оқсалган ҳозирги асримизда Юртбошимиз таъқидланганидек, бизнинг муштарак бурчимиз она заминимиз ва ундаги илохий неъматларни келгуси авлодга муносиб тарзда қолдиришдир. Зеро, амалдаги тегишли қонунлар ижросини таъминлаш экологик маданият билан узвий боғлиқдир.

Табиатни муҳофаза қилиши ва табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш қонунларини ижро қилишга қаратилган тадбирларни фуқаролар, давлат ташкилотлари, жамоат бирилшмалари лозим даражада бажаришларига қўн нарсалар боғлиқ бўлиши билан бу ишга онгли муносабатда бўлишни тарбиялаш ҳам талаб этилади.

Атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш хар бир инсоннинг муқаддас вазифаларидан бири бўлиб қолиши, азалдан яратилган бой табиатни, унинг нозеъматларини келажақ авлодлар учун асраб-авайлаш ва уларни бундан баҳраманд қилиш ҳозирги авлоднинг конституциявий бурчларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

**Сухроб ҚУДРАТОВ,**  
ТДЮ магистри

**Гуличехра АБДУЛЛАЕВА,**  
"Инсон ва қонун" муҳбири

Назар

# Гаров мажбурияти

## Қонунда бу борада нима дейилган?

ГАРОВНИНГ ўз шартлари мавжуд. 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида турли кўринишдаги шартлар, яъни банк кредити, ижара, олд-сотди, уй-жой куриш ёки шахсий автомашина харид қилишда гаров шартномалари туриш мумкинлиги кўрсатилган. Таъкидлаш жоизки, кўчмас мулк, уй-жойлар, квартира, дала-ҳовли, иншоот ёки иморатини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар мулк рўйхатда бўлган жой бўйича нотариал тартибда тасдиқланади. Бу тартиб “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 44-моддасида ҳамда Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1992 йил 28 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат

нотариал идоралари нотариуслари нотариал ҳаракатларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги қўлланманинг 83-бандида қайд қилинган. “Суд ва бошқа идораларнинг ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қонуннинг 82-моддасида кура, фуқароларнинг қўндалик турмуши учун ўта зарур буюмлар, шунингдек, уй-жой ҳамда хонадон қарзни ундиришга қаратилмайдиган дейилган. Амалдаги фуқаролик кодексининг 272-моддаси, 4-қисмига биноан, бино ёки иншоот ипотекасига бино ёки иншоотни гаровга берувчи шахс тегишли ер участкасининг эгаси ёки ижара олувчиси бўлсагина йўл қўйилади. Ипотека шартномаси бўйича фақат бино ёки иншоот гаровга берилган бўлса, ер участкаси ёхуд унинг ижара

хуқуқи гаров предмети ҳисобланмайди. Бундай шартнома ҳақиқий бўлмаган битим, деб қаралади. Гаровнинг қўнаний йўли мавжуд ва у қатъий белги-ланган. Аммо бугун гаров борасида ноҳақликлар, лафзисизлик, кўзбўямачилик, ваъдага вафо қилмаслик ҳолатлари рўй бермоқда. Айрим кимсалар гаров учун ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмаётганлар. Улар банкдан катта миқдорда кредит олиш учун ҳаттоки қария ота-оналарининг уй-жойи, мол-мулкни гаровга қўймоқдалар. Олинган кредит ўйламадан харж қилиниб, уни тўлашга келганда турли хил най-рангларни ўйлаб топмоқдалар. Айримлар эса олган кредитларни тўламастик учун ҳатто чет мамлакатларга қочиб кетмоқда. Айрим хусусий корхона

раҳбарлари баъзи фермерларни авраб-алдаб, банкдан катта миқдорда кредит олмақдалар. Тўлашга келганда эса фирромлик қилиб, сувдан қуруқ чиқмоқдалар. Натижада гаров шартномасини зиммасига олган, одамгарчилик қилган тadbиркор ёки фермер чув тушмоқда. Бугунги ҳаёт ҳар бир юртдошимиздан “Гаров тўғрисида”ги Қонунни билишни тақозо қилмоқда. Қонунни билган инсон ўзгаларнинг алдовига ўқиб мол-мулкдан айрилиб қолмайди.

**Суннат ШАРИПОВ, Каттакўрғон тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси, Азим КОДИРОВ, “Инсон ва қонун” муҳбири**

Такдимот

# “Маҳкумлар ҳуқуқлари: халқаро ва миллий стандартлар”

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ “Туркистон” меҳмонхонасида “Маҳкумларнинг ҳуқуқлари: халқаро ва миллий стандартлар” китобининг тақдими бўлиб ўтди. Маъмур китоб Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган бўлиб, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида нашр этилди.

ТАҚДИМОТДА таъкидла-нишича, мамлакат демократик ислохотларининг асосий устуңлари бу — инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси ҳамда қонун устуворлигини таъминловчи жараёндр. Бу суд-ҳуқуқ тизимининг бевосита либелалаштирилшидир.

Бу борада Президентимиз 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлисидаги ўз маърузасида алоҳида тўхталиб ўтганди: “Жиноий эъзоларни либераллаштириш бoрасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда

ҳозирги кунда қамоқдаги-лар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткичи, яъни ҳар 100 миң нафар аҳолига 166 кишини таш-кил қилади. Қиёслаш учун ай-тиш мумкинки, Россия-да бу кўрсаткич 611 ки-ши, АҚШта 738 киши-ни ташкил этади. Мамла-катимизда сўнгги ўн йил-да озодлиқдан маҳрум қилиш жойларига сақла-наётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ қамайганини ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган

ислохотларимизнинг қан-дай ижобий натижалар ба-рабтайнидан далолатдир”. Иш-тирокчиларнинг фик-рича, инсон ҳуқуқлари бўй-ича халқаро ва миллий ҳуж-жатларнинг таҳлилини ўзи-да акс эттирган маъмур рисо-ла озодлиқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаёт-ган шахслар билан инсон-парварларча муносабатда бўлиш принциплари ҳамда маҳкумлар ҳуқуқларини ало-ҳида ёритиб берган.

(Ўз муҳбиримиз)

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ бўйича Сирдарё вилояти суди қўпоровчилик жиноятини содир этган бир тўда уюшган гуруҳнинг барча аъзоларини Ўзбекистон Респуб-ликаси Жиноят кодексининг 161-моддаси бўйича айбли деб топиб, уларнинг ҳар бирига 7 йилдан 12 йилгача бўлган муддатларга озодлиқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Суднинг бу ҳукми апелляция инстанцияси томонидан ҳам ўз ҳукмида қолдирилди.

...ОДАТДА юртимизда ҳар бир бай-рам шодиёна рўхда кўтаринкилик билан нишонланади. Бунга, аввало, рес-публикамиздаги тинчлик-оқошталлик, халқлар ўртасидаги тотувлик, бирдм-лик имкон яратётганини алоҳида таъ-кидламоқ керак. Аммо шундай байрам кунлари ҳам серғаклиги бир зумга-да унутмаслиги лозим бўлган давлат идо-ралари, муассасалари борки, айнан уларнинг ҳушёрлиги боис тинчлигимиз-ни қўрқолмаётган айрим ғаламислар ни-ятлари йўққа чиқарилмоқда.

Гап шундаки, ўтган йил баҳор фас-лининг илк айёми — 8 март туни те-мир йўлчилар учун ҳам, ҳуқуқни муҳ-фаза қилиш идоралари вакиллари учун ҳам беҳаловат кечилишига айнан қўп-оровчиликни ниёт қилган ва бу ниятини амалга оширган уюшган гуруҳ қилми-ши сабаб бўлди. Ушанда Тошкент — Гулистон темир йўлининг Сирдарё ви-лояти ҳудудидан ўтувчи «Бахт — Оқол-тин» бекатлари оралиғидаги 3469 ки-лометрнинг 2-пикетида қўпоровчилик ҳаракати амалга оширилганди. Қўп-оровчилик темир йўл рельсларини мус-тахкам ушлаб турувчи 23 та клемной-болтнинг «М-22» русумли ғайкалари-ни, 23 та шайбани ҳамда рельсларни бир-бирига туташтириб турувчи 4 та нақлад ва уларни қотирадиган 8 дона болт-ғайкани ечиб олиб кетишган эди. Бу ҳам етмагандек, мис сим ёрдамида свефарнинг ишлас меъёрини ҳам бузиб кетишганди.

Баҳром Меҳмонқулов — 1986 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Уй-ланмаган. Сирдарё шаҳрида яшайди. Фарход Исмаилов — 1976 йилда туғилган. Муқаддам безорилик жиноя-тини содир этиб, суд томонидан Жиноят кодексининг 277-моддаси, «а», «г» бандлари билан 2 йил муддатга озо-длиқдан маҳрум қилинган. Кейинчалик жа-зонинг 1 йил 5 ойлик муддати ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирил-ган. Оилали. Сирдарё шаҳрида яшайди. Анваржон Усмонов — 1986 йили Фар-ғона вилоятида туғилган. Муқаддам суд-ланмаган. Уйланмаган. Сирдарё ша-ҳрида яшайди.

Тожикистон Республикасининг Душан-бе шаҳрида туғилган. Муқаддам суд-ланмаган. Фуқаролиги бўлмаган шахс. Ишси. Сирдарё шаҳри, Мархабо кўча-си, 10-ўйда яшайди. Номлари санаб ўтилган маъмур шах-сларга суд томонидан ҳеч қарғада ишла-масдан, гуруҳга уюшиб, олдиндан ўзаро тил бириктириб қўпоровчилик, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ҳамда иқтисо-дийётига путур етказиш мақсадида одам-ларни қириб юбориш, уларнинг соғли-ги, мулкига шикаст етказиш, яъни но-буд қилишга қаратилган жиноий ҳара-

# Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади.

Коракалпоғистон Республикасида  
Нўкус шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Хўжайли туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Тўртқўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Тўртқўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Андижон вилоятида  
Жалақудук туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Андижон шаҳар 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Пахтаобод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Бухоро вилоятида  
Когон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Роғонтан туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Қашқадарё вилоятида  
Қарши шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Қарши шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Фарғона вилоятида  
Қувасой шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Марғилон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Тошкент вилоятида  
Кибрай туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Олмалик шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Паркент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Ўртачирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Тошкент шаҳрида  
Мирзо Улғабек туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Олмазор туман 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Ўқуюбод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар  
Танловда қатнашувчи учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:  
1. Комиссия номига ариза;  
2. Паспорт нусخаси;  
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;  
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;  
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топшир-ган, лекин нотариус лавозимида уш йил мавсйида ишламаган талаб-горлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Мала-ка комиссиясининг қароридан кўчирма);  
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тав-сифнома.  
Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълум-мотта, юридик мутахассислик бўйича қамида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировка-ни ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси Фуқароси иштирок этиши мумкин.  
(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2011 йил 23 июнь)  
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.  
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Ёруғ хиёбон

# Инсонпарвар ғоялар ифодаси

КОНСТИТУЦИЯ халқимизнинг кўп асрлик ўз тақди-рини ўзи белгилаш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳақидаги орзулари аксидир.

КОНСТИТУЦИЯГА кўра, Давлат аҳолининг ижтимо-ий ҳимоялашишни таъмин-лайди ва фуқароларнинг меҳнат қилиши, ишсизлик-дан ҳимоялашишни, билим олиши ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, пенсия таъминотига эга бўлиши каби ҳуқуқларини ҳам қаролатилади.

Давлатимиз асосий қону-нининг бошқа давлатлар конституциясидан фарқли ижобий томони шундаки, унда “Оила” боби нормала-рининг алоҳида ўрин олган-лигидаидир. Оила давлат муҳофазасида эканлиги, жамият ва давлатнинг оила-га моддий ва маънавий ёрдам бериши, оналик ва болаликнинг давлат томони-дан муҳофазга қилиниши, давлат ва жамият етим бо-лаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўл-ган болаларни боқиши, тар-биялаши ва ўқитишнинг таъ-минлаши, болаларга бағиш-ланган хайрия фаолиятла-рини рағбатлантириши каби конституцион норма-лар болажон ҳисобланмиш ўзбек халқининг анъанавий урф-одатларига тўла мос ке-лади.

Шуни алоҳида таъкид-лаш жоизки, Конституция-миз ўзининг халқчилиги, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилганлиги учун ҳам муқаддасдир. Консти-туция — инсонларнинг яша-ши, шахсий эркинлик ва дахлсизликлари, ўз шаъни ва обрўсини ҳимоялаши, айбсизлик-презумпцияси,

Эркин ОМОНҚУЛОВ, Суд департаментининг Сурхандарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи, вазифасини бажарувчи



# Жиноятга жазо муқаррар

# Рельс ўғрилиғими ёки қўпоровчилик?

## Тергов-суриштирув жараёнида бунга аниқлик киритилди

тез ёнучан ва портловчи ёниги-мой-лаш воситалари ҳам юкланган эди. Агар маъмур поездлар издан қичиб кетгани-да юк вагонларининг ағдарилиши на-тижасида давлатимиз иқтисодиётига ул-кан иқтисодий зарар етиши, вагонлар-даги қўриқлаш хизмати ходимлари ва поездлар ҳаракатини бошқарётган ма-шинистлар ҳалок бўлиши, уларнинг оилалари, ота-она-ю ака-ука, она-син-гилу қўйингки, барча қариндош-уруғ-лари кулфат ва мотамда қолиши мум-кин эди. Шуқрки, темир йўл хизмати ходимлари хушёрлик билан қилган ҳаракатлари боис қўпоровчилик то-монидан яроқсиз холга келтирилган рельслар зудлик билан таъмирланди ва бу поездларнинг жадвал асосида та-лафотсиз ўтиб кетиши таъминланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, туни билан поездларнинг ҳавфсиз ҳаракатини таъминлаган темир йўлчилар тонга яқин заҳира рельс устига оқ бўр билан ёзил-ган дўқ-пўнсидан иборат ёзувга қўла-ри тушди. Шундан сўнг ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари пўхта режа аосо-да суриштирув ишларини жадаллаштир-дилар. Теъза қўпоровчилик жиноятини содир этган тўда аъзоларининг шахси аниқланди ва қўйидагилар қўлга олинди:

Тимур Фатхудинов — 1981 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Оила-ли. Сирдарё шаҳрида яшайди.

Хусниддин Равшанов — 1973 йилда туғилган. Муқаддам босқинчилик жи-ноятини содир этгани учун суд томонидан 5 йил муддатга озодлиқдан маҳрум қилинган. Жазонинг ярмини ўтаган, ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган. Оилали. Сирдарё туманида яшайди.

Қаҳрамон Худойназаров — 1970 йили Чиноз туманида туғилган. Муқаддам судланмаган. Оилали. Сирдарё шаҳри-да яшайди.



Нуриддин Тўлаганов — 1986 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Уй-ланмаган. Сирдарё туманида яшайди. Аҳмад Салиев — 1988 йилда туғил-ган. Муқаддам қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир эт-ганлиги учун суд томонидан Жиноят кодексининг 104-моддаси, 2-қисмининг «е» банди билан 6 йил муддатга озо-длиқдан маҳрум этилган. Жазонинг ўтал-май қолган 2 йил 9 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Оилали. Сирдарё шаҳрида яшайди.

Илхом Мўминов — 1989 йилда туғил-ган. Муқаддам талончилик жиноятини со-дир этганлиги учун суд томонидан Жи-ноят кодексининг 166-моддаси, 2-қис-мининг «а» ва «в» бандлари билан 3 йил муддатга озодлиқдан маҳрум қилинган. Амнистия тўғрисидаги жазони ўташдан озо-д қилинган. Оилали. Сирдарё тумани, Деҳ-қонобод маҳалласида яшайди.

Давроншоҳ Махмадиев — 1990 йили

тиб беришган. Уларнинг тергов давоми-да берган кўргазмалари ҳам, воқеа жо-йидаги кўрсатувлари ҳам видеоасмаларга олинган. Т. Фатхудиновнинг уйда хо-лислар иштирокида тинтув ўтказилган-да гараж ёнидаги қолда 15 та ғайка, мис сим ўрами ҳамда 1 та кўч борлиги аниқ-ланди, ашёвий далил сифатида олинган.

Яна шуни айтиш лозимки, маъмур ха-барлар позицияси ўз-ўзини инкор эта-ди. Яъни хабарда «тун қоронғусида те-мир йўлни бузмокчи бўлганлар» дейи-лади-да, хабар сарлавҳасида «шпаллар-ни ўмармокчи» дея қайд этилган. Шу-нингдек, «Емоннинг кучи япапоққа етди ёки кутурган миришаблар хангомаси» сарлавҳали хабарда ҳуқуқ посбонлари-нинг кутурганлигини исботловчи бирор-бир далил келтирилмади. Бунинг ус-тига бугунги кун миллиясини миришаб дея аташларини қандай тушуниш ке-рак? Ахир, миришаблар замони қилиб-дими? Бугунги миллия олий маълумот-ли, ўқиган-билган, оқу-қорани таниган, инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун бевоси-та масъул бўлган халқ вакиллари.

Интернет сайтларидаги яна бир ха-барда терговчилар фуқаролиги бўлма-ган шахс, яъни судланувчи Давроншоҳ Махмадиевга нисбатан миллатчилик ру-ҳида муомала қилган дейилади: «Сен тожики ким ҳам эшитарди, билиб қўй, бу ер Ўзбекистон!»

Хаммамиз яхши билимизки, ўзбек ва тожик эт билан тирноқ. Уларни бир-би-ридан ажратиб бўлмайди. Ўзбекистонда миллатчилик, шовинистик руҳидаги қарашларга йўл қўйилмайди. Бу ўлкада 130 дан ортиқ миллат ва элат истикомат қилаётганини назарда тутаёқ, бир мар-та бўлсин бир миллат иккинчи миллат-дан устуңлик қилиб, ҳуқуқларини топ-таш, поймол қилиш ҳолатлари содир этилгани йўқ. Бу гапларни яқинда, аниқ-

Алимбек ТОШБЕК

# “Энг яхши инновацион бизнес гоё” танлови якунлари

**МАМЛАКАТИМИЗ** Президенти томонидан жорий йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинган муносабати билан “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини янада ошириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

УШБУ йўналишда жорий йилнинг 4 ойи давомида кичик бизнес субъектларига 100 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилиб, 1881 та ишчи ўринлари яратилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига инновацион гоёларни етказиш ва уларга маслаҳат-ёрдам кўрсатиш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича мавжуд тизимни янада ривожлантириш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда жорий йил март ойида талабалар ўртасида “Энг яхши инновацион бизнес гоё” танловини эълон қилган эди. Шу йил 13 май куни “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ бош биносида маъруза танловининг гоёлибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу танловда инновацион гоёларга эга бўлган олий ўқув юртининг 100 дан ортиқ талабалари ўз бизнес

лойиҳалари билан иштирок этдилар. Танловнинг асосий мақсади Президентимизнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қароридан белгилаб қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш соҳасида янги ва самарали инновацион гоёларга эга бўлган талабаларнинг бизнес гоёсини қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Комиссияга тақдим этилган лойиҳаларни баҳолашда маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, шунингдек, ишчи кучи кўп, узок регионлар, аёллар меҳнати ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган коллеж битирувчилари учун янги ишчи ўринларини яратишни кўзда тутувчи лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. “Энг яхши инновацион бизнес гоё” танловининг гоёлибларини тақдирлаш маросимида гоёлибларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди.

## 2 БАРОБАР АРЗОНРОҚ ОНЛАЙН БЎЛИНГ! «ТУНГИ ИНТЕРНЕТ» ХИЗМАТИ

**\$0,01**

Тунда Интернетдан фойдаланиш янада арзонлашди. Энди 1 Мб интернет-трафик нархи 2 марта арзон.



бир қадам олдинда



### “ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН БИЗНЕС ГОЁ” ТАНЛОВИ ЯКУНИЙ БОСҚИЧНИНГ ГОЛИБЛАРИ РЎЙХАТИ

- Ишанов Лазиз:** Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган “Ҳамиша навқирон ва кўҳна диёр” дастурий маҳсулотини ишлаб чиқиш лойиҳаси — диплом ва “Ноутбук” соврини билан тақдирланди.
- Усмонов Азизбек:** “Маҳаллий хомашёларни қайта ишлаш натижасида целлюлоза қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳаси” — диплом ва “Нетбук” соврини билан тақдирланди.
- Бекчанов Руслан:** “Агро аргимочқ ускунаси” лойиҳаси — диплом ва “Нетбук” соврини билан тақдирланди.
- Шукуров Жаҳонгир:** “Компьютер тармоқларини симсиз тарзда ташкил этиш хизматини кўрсатувчи ташкилотни яратиш” лойиҳаси — диплом ва 300 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.
- Убайдуллаева Муқаддас:** “Шаҳар марказида кўп қаватли автомобиллар қўйиш шохбосчаси яратиш” лойиҳаси — диплом ва 300 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.
- Солихов Акмал:** “Мини спорт клуби ташкил этиш лойиҳаси” — диплом ва 300 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Банк Маркетинг бошқармаси


### ҚОНУНБУЗАРЛАРНИ ИЗЛАШ, ТОПИШ ВА ЖАЗОЛАШ ЧОГИДА НЕЛАР ЮЗ БЕРМАЙДИ ДЕЙСИЗ? БАЗАН АСОСИЙ ВА АШАДДИЙ ЎТРИ-КАЗЗОБЛАР ҚОЛИБ ТЎРГА УЛАРНИНГ КЎМАКЧИЛАРИ ИЛИНАДИ.

АЛҚИССА, қорақалпоғистонлик Овез ва Худойберди билан тегинли бир машъум жиноятни фош этиш чоғида ҳам айнан шундай воқеа юз берди. Воқеа тафсилоти бирмунча гаройиб. Аслида дастлаб қўлга бу ишларнинг бошида турган кимса эмас, балки “гўр”гина дастёр тушди. “Шогирди” Урганчда қўлга олинган куниёқ ўзи тугилиб ўсган Тўртқўлни тарк этган Овез эртаси каллаи-сахардаёқ пойтахт — Тошкент заминидан пайдо бўлди. Тошкент азим шаҳар, аммо бедарвоза эмас. Бошида айланаётган хатарни кўнгли сезди чоғи, Овез фурсатни ўтказмай Андижон томон йўл олди. Водийга етиб олса бас, нарёғи — хориж. Жон ҳовуқлаганча Андижонга етиб келган Овез, бу ерда ҳам ҳаялламади. Фурсатни ўтказмай яширин йўллар билан кўшни Қирғизистон Республикасига ўтди. Уч кундан сўнг Россия кенгликларида пайдо бўлди. Ниҳоят, охириги манзил: Москва. Овез бу ерга 2008 йилнинг қирчиллама қиши, Урганчда рўй берган кўнгилсиз воқеа — Худойберди қўлга олинганининг ўнинчи кунини, аниқроғи, ўша йилнинг 15 декабрида етиб келди. Рос-

### Гиёхвандлик — аср вабоси

# Божалар режаси

## иш бермади



сия пойтахтида уни укаси Нургелди кутиб олди. Бу ёғига ишлар бирмунча силлқ кўчди. Овез укаси кўмағида яшаётган ётоғхонага осонгина жойлашиб олди. Кунлар-кунларни кувлаб ўтар, бирор-бировдан сен кимсан, азьмолинг не, деб сўрамас, ҳар ким ўз гамташвиши билан овора. Овез учун аслида шуни си маъқул. Кунлар, ҳафталар ортда қола борган сари унинг кўнглини босиб ётган оғир тоғу тошлар ҳам гўёки энгил тортгандай, борлиқни қамраган зулмат ортидан бамисоли куёш мўраляётгандай туюла борди. Бу ҳолдан дили бироз хотиржам тортган Овезбой мўралай-мўралай “остона” хатлаб кўчага чиқишни оdat килди. Яна бир фурсат олган Овезбой пайқамай гувоҳномаси ёнида эканлигини эслаб қолди. Русия фуқаросига тегишли бир машинани ижарага олиб, киракашлик қила бошлади. Аммо... Ҳаракат хавфсизлиги ходими қоидабузар ҳайдовчини тўхтатди. Овезбой нозирга ҳайдовчилик гувоҳномасини тақдим этишдан бўлак илож топа-

мади. Нозир гувоҳномани кўлга олганча шу ердаги хизмат хонасига кириб кетди ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ёнида 3-4 нафар киши билан қайтиб келди. Иш чаппасига кетгани Овезбой пайқамай қолмади. Лекин, энди кеч. Жуфтани ростилаш амри маҳол. Овез бошқарган машинани кураша олган кишилар ҳайдовчилик машинадан тушишни тақлиф этишди. Бироздан сўнг унга Овез Аннаमतов исм-шарифли шахс ўз юртида содир қилган оғир жиноятни боис Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйлаб қидири-

гани оддий чарм куртка бўлиб чиқди. Худойберди уни Овезнинг кўрсатмасига биноан энгига қийиб олди. Чипта рўйхати ва боғхона назоратидан силлиқина ўтди. Буёғи самолёт саҳни. 3-4 соатдан сўнг эса Москвага етиб олади, тамом-вассалом. Хавф-хатар буткул ортда қолди. Эркин куш мисол кутиш зали томон ошқиди. Шу топда нотаниш одамнинг “Худойберди Сувонов сиз бўласизми?” деган сўровига тасдиқ жавобини бера туриб хушини йўқотди. Қиссадан ҳисса шуки, ҳалол меҳнатнинг оши ширин. Зотан, шу тарзда ҳаёт кечирганлар хавф-хатар ва бало-қазолардан бирмунча ҳоли ва йироқ бўришади, кимларнингдир олдида тиллари қисқис эмас, аксинча бурро бўлади, юрар йўллари эса доимо кенг ва раво кечади. Овез ва Худойберди монанд кимсаларнинг умри эса не бир азоблар домида кечади, қилмишининг қидириши уларни доимо таъқиб қилиб юради. Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судида қўрилган мазкур ишда Жиноят кодексининг 28,246 ва 25,273-моддалари бўйича Овез Аннаमतов ва Худойберди Сувоновга қўйилган айб тўла ўз исботини топди. Чикарилган ҳукмга кўра О.Аннаमतов 13 йил, Х.Сувонов 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

**Абдулла СОБИРОВ,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири

### Мулк тасарруфи

# Уй-жой билан боғлиқ

муаммога дуч келдингиз...

**МАМЛАКАТИМИЗДА** ривожланиш суръатлари ва аҳоли сонининг мунтазам ўсиб бориши уй-жойга бўлган талабни ошириши табиий. Шу боис, бу соҳада юзга келаятган фуқаролик ҳуқуқий низоларини судлар томонидан тўғри, ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга.

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 53-моддасига мувофиқ, хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Шундай экан, судлар томонидан бу борадаги қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланиши фуқароларнинг мулкка бўлган конституциявий ҳуқуқи ҳимоя этилишини таъминлайди. Зоминлик Аҳмад Бердиев ота-онасидан қолган уй-жойни тасарруф этиш жараёнида бирор марта мерос ёки уй-жойни ўз номига расмийлаштириш борасида ҳуқуқий ҳаракат қилмаганлиги учун муаммога дуч келди. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бўлимидагилар уй-жойни расмийлаштиришдан бош тортди. Бу низо ниҳоят фуқаролик судида кўриб чиқилди ва қонунлаштирилди. Биз қўллаб-қувватларининг тақлиф ва истақларини инобатга олиб, уй-жойларга эғалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ айрим масалалар хусусида сўз юритишни лозим топдик. Уй-жой кодексининг 14-моддасига мувофиқ, уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида қўрилган уй давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Уйнинг (квартиранинг) олди-сотди ва айирбошлаш шартномаси ёзма шаклда тузилиб, нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Умрбод таъминлаш шартини билан ўйни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома Фуқаролик кодексининг қоидаларига риоя этилган ҳолда нотариал тартибда тасдиқланади. Уйни ҳаля қилиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Давлатга қарашли уйга бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибда вужудга келади. Кооператив уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи уй-жой куриш ва уй-жой кооперативлари аъзолари пай бадалларини тўлиқ тўлаб бўлганидан кейин вужудга келади.

**Нодира МУҲАМЕДОВА,**  
Жиззах шаҳар 5-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

### Тошкент давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади

- “Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия” кафедраси бўйича доцент — 1.
- “Ижтимоий гуманитар фанлар” кафедраси бўйича доцент — 1; катта ўқитувчи — 1; ўқитувчи — 1.
- “Экология ва қишлоқ ҳўжалиги ҳуқуқи” кафедраси бўйича доцент — 1.
- “Жисмоний тарбия” кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ректор номига ариза.
  - Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
  - Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари.
  - Илмий ишлар рўйхати.
- Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона. Телефонлар: 236-09-39, 233-66-36.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 11 майдаги №134-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “AVANGARD-FEMIDA” адвокатлик фирмаси адвокат Хайбуллаев Серик Кабланбековига Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 26 августда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчи қадар ёқуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирини киргунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 11 майдаги №134-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “FOEMDA-XOLMIRATOV” адвокатлик фирмаси адвокати Алданазаров Серик Ўрақбиннинг Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 15 июлда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчи қадар ёқуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирини киргунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 11 майдаги №135-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “ADVOCATE PRACTICUM” адвокатлик бюросининг адвокати Борматова Ольга Павловнага нисбатан суд ҳукми қонуний кучга кирганлиги сабабли унга 2009 йил 3 июнда берилган ТН №000367-сонли адвокат мақомига олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 2009 йил 30 июнда берилган 297-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилади.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 10 майдаги 56-ум-сонли буйруғига асосан Иштихон туманидаги “Қонун ҳимоячилари” адвокатлик фирмасининг адвокати Ниязов Исмаилол Пардавиничга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 12 июнь кунин берилган адвокатлик мақоми уч ойдан ошмайдиган муддатда мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирини киргунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирлик масъул ходими Нигора Курбоновага отаси **Рўзан КУРБОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент юридик коллежи ўқитувчи-ҳодимлари Амалиёт бўлими ўқитувчиси Леонид Холмедовга волидан мухтарамаси **Галина ХОЛМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Тошкент юридик коллежи ўқитувчи-ҳодимлари “Конституциявий ҳуқуқий фанлар” кафедраси ўқитувчиси Мамлакат Билоловага қизи **Дилфуза БИЛОЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИСИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Миллий ва Аxbорот саноатлари 0081-рўқсон билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7497

**Бош муҳаррир:** Кўчқор НОРҚОБИЛ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович  
Мустафаев Бўришот Мустафаевич  
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна  
Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич

Султонов Алимқул Тошбекович  
Тўраев Тўра Эргашевич  
Сайдов Шокир Камолович  
Хамроев Ислам Ҳамзаевич

Навбатчи: Ербек ИСКАНДАРОВА

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВА

**Индекс: 646882**

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва санифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳақмида, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уюмида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.  
Бюртма j-1839. Тиражи — 20457. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш вақти — 19.00. Тижорат мақола.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50 e-mail: info@press-iq.uz

Сотузда эркин нархда

1 2 3 4 5